O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 6-NOYABR ■ PAYSHANBA ■ 129 (27.149) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Иқтидорли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

САНЪАТИМИЗНИНГ УМИД ЮЛДУЗЛАРИ



Тоҳир ЯХШИБОЕВ



Дмитрий ИСАКОВ

Мусиқа миллатнинг қаноти. У дунё бўйлаб сокин тарапади, парвоз қилади. Куй таржима қилинмайди. Уни жаҳон халқлари бирдек англайдилар. Ҳақиқий санъат элларни бир-бирига яқинлаштиради. Гўзаллик, мусиқий маънавият олдида руҳий яқинлик, биродарлик, дўстлик, ҳамкорлик бошланади. Истеъдод қаршисида эса маданиятли инсонлар таъзим қиладилар.

Париж шаҳрида дунёнинг кўплаб нуфузли давлатларидан ташриф буюрган олтмишдан ортиқ мусиқа ижрочилари ўртасида бўлиб ўтган III Халқаро танлов ўзбекистонлик иштирокчиларга улкан ғалаба олиб келди. Улар турли ёшдаги қатнашчилар орасида мутлақ ғолибликни қўлга киритдилар.

Тоҳиржон ЯХШИБОЕВ 1990 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Глиэр номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчиси. Отаси — Бахтиёр Яхшибоев шифокор, онаси Юлдуз Яхшибоева мусиқа муаллими. Тоҳиржон шаҳар, республика танловлари ғолиби бўлган. Унинг Парижда ижро этган куйлари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Танловнинг биринчи даражали дипломини қўлга киритди.

— Тоҳиржон тўрт ёшидан қўлига скрипка тутган. Мен ўзим ҳам шу мусиқа асбобини чаламан. Дадаси эса рубобда мумтоз куйларни меъёрига етказиб ижро этадилар. Акасига эргашган қизим Қундузхон ҳам биноийдек скрипка билан шуғулланмоқда. Ўғлим энди тетапоя бўлиб қадам ташлаганда, стол устида турган скрипкага талпинган эди, — дейди Юлдуз Яхшибоева.

Тоҳиржон келгуси йилда Новосибрскда ўтказиладиган халқаро танловга тайёргарлик кўрмоқда.

— Орзуим яна ва яна ғалаба қозониш, жаҳон саҳналарида скрипка чалиш, — дейди у.

Дмитрий ИСАКОВ 1986 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Ўзбекистон Давлат консерваторияси, иқтидорли болалар академик лицейи талабаси. Унинг отаси Сергей Исаков ва онаси Татьяна Исаковалар мусиқа мутахассислари. У Париж танловида биринчи ўринни қўлга киритди. Ёш истеъдод ижросидаги В Моцарт, Чайковский куйлари мутахассис ва томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди.

Шунингдек, Францияда бош совринга сазовор бўлган яна бир ҳамюртимиз Грейс Гафаров бугунги кунда Американинг Нью-Йорк шаҳрида таълим олмоқда. У ҳақида билиш учун В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейига борганимизда, директор ўринбосари Жамила Алибоева бизни яна бир хушхабар билан қарши олди. Лицей ўқувчиси Беҳзоджон Абдураимов Италиянинг Агрополи шаҳрида 14-19 октябрь кунлари ўтказилган ёш пианиночиларнинг Халқаро кўрик танловида мутлақ биринчиликни қўлга киритибди.

Бу ютуқлар, ғалабалар мамлакатимизда санъат соҳасига. ёш истеъдодларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг маҳсулидир.

Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидек: **«Ўзбекистонда мусиқа, тасвирий, монументал ва амалий санъат соҳаларида катта муваффақиятларга эришилгани тасодифий эмас. Бу санъат турлари чет элда кенг эътироф этилган. Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асосидир».**

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

❖❖❖

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

АНДИША ВА АДОЛАТ

СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЁРИТИШ ЖАРАЁНИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ҳеч муболағасиз, мутлақо расмиятчиликсиз адолат юзасидан айтиш керакки, кейинги беш-олти йил орасида суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлиги сезиларли даражада кучайди. Судлар фаолияти, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни ёритиш ОАВ учун асосий мавзулардан бирига айланди.

Бу табиий ҳол, албатта. Чунки, ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини, одамлар фикрини ўзгартирмай туриб қуриб бўлмайди. Ҳар бир ўзгариш аввало онг, тафаккурда, сўнг жамиятда содир бўлади. Ҳуқуқий-демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири эса суд мустақиллиги ва сўз эркинлиги ҳисобланади. Бошқача айтганда, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, жамиятда қонун ҳукмронлиги қай даражада таъминланиши асосан ана шу икки соҳа эркинлиги ва мустақиллигига боғлиқ.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов қатор йиғинларда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, суд ва матбуот мустақиллиги, эркинлигининг инсон тақдири, жамият тараққиётида тутган ўрни ҳақида такрор-такрор таъкидлаб, ўз тавсияларини билдириб келмоқда.

Айниқса, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида бу ҳақда кенг миқёсда фикр-мулоҳазалар айтилди.

Юртбошимиз жамият олдига қўйган ушбу вазифаларни изчил амалга ошириш, уларнинг моҳиятини аҳолига етказишда суд ва ОАВ ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Буни ҳар икки томон ҳам чуқур англаб турганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Олий хўжалик судида журналистлар билан давра суҳбатлари, семинар-йиғилишлар, хўжалик суди фаолияти ҳақида ёритилган энг яхши мақолалар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар учун танловлар ўтказиш аллақачон анъанага айланди. Республика олий суд раҳбарлари билан учрашувлар ҳам изчил йўлга қўйилди. Суд ходимларининг ОАВда чиқишлари кўпайиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди яхши ташаббусни бошлади. Февраль ойида Ўзбекистон ОАВни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси билан ҳамкорликда Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги раҳбар ходимлари иштирокида Тошкентда минтақавий конференция ўтказилган эди. Мавзу — «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли: муаммолар ва ечимлар». Суд ва ОАВ ҳамкорлигига бағишланган тадбирлар изчил давом эттирилиб, вилоятларда ҳам уюштирилмоқда.

Яқинда ўтган навбатдаги давра суҳбати «Судларда кўрилган ишлар Оммавий ахборот воситаларида ёритилишидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари»га бағишланди.

Давра суҳбати бошида Конституциявий суд раиси Б.Мустафоев бундай деди: «Суд ҳокимияти фаолиятидаги самарадорлик, судларда кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши суриштирув, тергов, суд жараёни устидан халқ назоратини, унинг ифодаси бўлиб ҳисобланмиш Конституция, жиноят процессуал назоратини ва бошқа қонунларнинг назоратини кучайтиради. Амалда уларнинг ижроси қай ахволдалигини билдиради».

Давра суҳбатида ҳамкорликнинг қувонарли ўзгаришлари билан биргаликда ҳар икки томонни ўйлантирадиган, уялтирадиган очиқроқ, аччиқроқ гаплар ҳам бўлди. Журналистлар фуқароларнинг тергов ва суд жараёнларидан норози бўлиб ёзаётган шикоятлари, тергов ва судларда эътирозлар ҳақида кўпроқ гапиришди. Тўғри, суд, ҳуқуқ-тартибот идоралари айрим ходимларининг лоқайдлиги, масалага юзаки қараш ҳоллари, эҳтимол, малакасизлиги оқибатида аҳоли ўртасида норозиликлар туғилмоқда. Бу бор гап. Худди шундай хато-камчиликлар ОАВда ҳам учраб туради. Аммо ўша масъулиятсиз ёки малакаси хомроқ қайсидир бир ходимнинг хатосини хас-пўшлашга уринишлар борлигини қандай тушунмоқ керак?

2-бет



ҲАМКОРЛИКНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ

Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш борасида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилаётир ва бу жараён узлуксиз давом этлаётганини нафақат халқимиз, балки бошқа давлатлар ҳам эътироф этишяпти.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси бу борада Америка Қўшма Штатлари билан стратегик ҳамкорлик алоқалари ўрнатган давлатлардан бири бўлиб, халқаро муаммоларни бартараф этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Шу ҳамкорликнинг самараси ўлароқ АҚШ Мудофаа вазирлиги қошидаги Хавфни камайтириш агентлигининг Тошкент филиали томонидан «Оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик» халқаро доирасида кўрсатаётган беғараз ёрдамни таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон ФВВ қидирув-қутқарув кучлари учун нархи 58179,5 АҚШ долларига тенг кимёвий ҳимоя воситалари (танани кимёвий заҳарланишдан муҳофаза қилувчи кийим-кечаклар, нафас олиш йўлларини ҳимоялайдиган респиратор ва фильтрлар)ни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига топшириш тадбири бўлиб ўтди.

Азамат СУЮНОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

ОММАВИЙ СПОРТ ТАРҒИБОТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланиб бормоқда. Юртимиз вакилларининг турли халқаро беллашувларда, Олимпиада ўйинлари ва Жаҳон биринчилиги мусобақаларида юксак натижаларга эришаётгани, республикамизнинг спорт салоҳияти янада ошаётгани, марказда ва жойларда жаҳон андозаларига мос муҳташам спорт мажмуалари, замонавий стадион ва кортлар барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» ўйинлари тобора оммалашиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шу билан бирга, оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги ролини, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда спортнинг аҳамиятини очиб бериш, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада ошириш борасида оммавий ахборот воситалари ўзининг муносиб ўрнини ҳамон топа олмаётганини, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмаётганини таъкидлаш лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бундай ҳолат ва камчиликларнинг сабаблари аввало матбуот соҳасида журналистларнинг ихтисослашуви талаб даражасида эмаслиги, хусусан, спорт журналистларининг профессионал савияси пастлиги, юртимизнинг айрим жойларида ота-оналар, мутасадди раҳбарлар ўртасида спорт соҳасига лоқайдлик билан қараш ҳоллари мавжудлиги, бу масала бўйича жамоатчилик фикри суст шаклланаётгани билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда оммавий спортни янада ривожлантириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини, бу борада амалга оширилаётган катта ишлар ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларни кенг жамоатчиликка етказиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзтелерадио» компанияси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ўзбекистон телевидениесининг 4-«Халқаро» телеканалини махсус «Спорт» телеканалига айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқулансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

«Спорт» телеканалини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар бўйича «Ўзтелерадио» компанияси тақдим этадиган ҳисоб-китоблар асосида 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан тегишли маблағларни ажратсин;

2004 йилдан бошлаб ҳар йили «Спорт» телеканалини ва радио эшиттиришларни давлат бюджетидан молиялаштиришни «Ўзтелерадио» компаниясининг йиллик харажатлари доирасида ҳисобга олсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги «Спорт» телеканалини техник жиҳатдан жиҳозлаш билан боғлиқ масалаларни Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Телерадиокомпанияси тизимини техника билан комплекс қайта жиҳозлаш тўғрисида» 1997 йил 25 августдаги 412-сон қарорида кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширсин.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва «Ўзтелерадио» компанияси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда янги «Спорт» телеканали фаолиятини ташкил этиш, унинг дастурини мамлакат ҳудудига эфир орқали узатиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. «Ўзтелерадио» компаниясига:

«Спорт» телеканали кўрсатувларини 2004 йил 1 январдан бошлаб кунига 6 соат ҳажмда;

2004 йилнинг апрель ойидан бошлаб кунига 8 соат ҳажмда ишга туширишга;

Ўзбекистон радиоси спорт эшиттиришларининг эфир вақтини 2 соатга узайтиришга;

ижодий жамоалар, юридик ва жисмоний шахслар билан муайян ишларни бажариш учун муддатли шартномалар тузиш ҳамда келишилган баҳоларда тўловларни амалга оширишга рухсат берилсин.

6. «Спорт» телеканалининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат деб белгилансин:

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, спорт маданиятини юксалтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;

болалар спортини ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари, стратегик йўналишлари бўйича ахборот ва тарғибот ишларини изчил равишда олиб бориш;

Ўзбекистон спорт ҳаётини, миллий спорт турларини, халқ ўйинларини, мамлакатимиз вакилларининг халқаро спорт майдонларидаги иштироки ва ютуқларини мунтазам ёритиб бориш;

халқаро спорт федерациялари ва клублари, спорт турлари ва машҳур спортчилар тўғрисида кўрсатувлар, теле-радиоочерклар, видеороликлар, клиплар тайёрлаш ва намойиш қилиш;

халқаро ва хорижий мамлакатлар спорт матбуоти, телерадио каналлари билан ҳамкорликда Олимпиада ўйинлари, Жаҳон ва Осиё биринчиликлари, бошқа нуфузли халқаро мусобақалардан бевосита кўрсатув ва репортажлар тайёрлаш.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги, «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги ҳамда оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиш, мавзуга оид китоб, альбом, плакат ва буклетларни мунтазам ва режали асосда нашр этиб бориш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига Молия вазирлиги билан биргаликда ўз тасарруфидаги нашрларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижодий жамоаларга малакали спорт журналистларини жалб этиш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш вазифаси юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва «Ўзтелерадио» компанияси оммавий спорт тарғиботи бўйича алоҳида фаоллик кўрсатган журналистларни рағбатлантириш учун қуйидаги миқдорда йиллик мукофотлар таъсис этсин:

1- мукофот – энг кам иш ҳақининг 20 баробари;

2- мукофот – энг кам иш ҳақининг 15 баробари;

3- мукофот – энг кам иш ҳақининг 10 баробари.

Мукофотлар тўғрисидаги Низом бир ой муддат ичида ишлаб чиқилсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлансин.

Мукофотланганлар рўйхатини 2004 йилдан бошлаб ҳар йили 27 июнь — «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» байрами арафасида эълон қилиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига оммавий ахборот воситалари учун спорт соҳасига ихтисослашган малакали журналистлар тайёрлаш мақсадида Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоғистон Давлат университети ва Жаҳон тиллари университетида истиқболли йўналишларни ҳисобга олган ҳолда спорт журналистикаси бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, спорт журналистикасига ихтисослашган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш вазифаси юклансин.

2003/2004 ўқув йилида республика олий таълим муассасалари магистратурасида «Спорт журналистикаси» мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашга киришилгани маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбеккино» компанияси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадиий академияга инсоннинг маънавий ва жисмоний камолотида оммавий спортнинг муҳим аҳамиятини ҳаётий мисоллар орқали акс эттирувчи бадиий асарлар яратиш бўйича маърифий, ижодий ишлар режаларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Азизхўжаев ва Р.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 4 ноябрь

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ШИКОЯТ ОРТИДА ҲАҚИҚАТ ЙЎҚМИ?»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2003 йил 26 июль сонидаги «Шикоятлар ортида ҳақиқат йўқми?» сарлавҳали мақола юзасидан шуни маълум қиламизки, фуқаро А.Бабаев ва бошқалар номидан Хазорасп туманидаги «Хоразм» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Т.Жуманиёзовнинг қонунсиз ҳаракатларидан норози бўлиб ёзилган аризалари бўйича вилоят ҳокимлиги томонидан тўпланган ҳужжатлар 10.07.2003 йил вилоят прокуратурасига юборилган бўлиб, молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ҳужжатли тафтиш тайинланиб, мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Ўтказилаётган ҳужжатли тафтиш жараёнида пахта етиштириш учун келиб тушган транш, «Хоразмшакар» давлат корхонасидан ўтказилган бўнак маблағларидан мақсадли фойдаланиш, айрим биноларни тугатиш натижасида қурилиш материалларини киримга олиш, давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган солиқларнинг ўз вақтида тўланиши, тайёр маҳсулотларни ҳисобдан чиқариш, муддати ўтган дебитор, кредитор қарзларни ундириш масалаларида камчиликларга йўл қўйиш ҳолатлари аниқланган.

Ҳозирги вақтда ҳужжатли тафтиш давом эттирилиб «Хоразм» ширкат хўжалигида текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда. Уларнинг натижаси ҳақида қўшимча ахборот берилади.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.ОЛЛАБЕРГАНОВ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

БИЗНЕС БАНК ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА
BUSINESS BANK

АНДИША ВА АДОЛАТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Нима, хатони тан олсак, обрўимизга путур етадими, осмон узилиб ерга тушадими ёки бу ерда бошқа гап борми?.. Иллатлардан қутулмасак, ҳақиқатни тан олиш, адолатни қарор топтириш оғир кечади. Ўртада сунъий зиддиятлар пайдо бўлади. Айбини мардона тан олган одам устидан ақли расо одам кулмайди, қайтага уни ҳурмат қилади. Энг муҳими ўртада адолат тантана қилади.

Бир мисол. Шу йилнинг 24 июнида газетамизда «Мусодара муаммоси» сарлавҳали мақолани минг ўйлаб, турли мулоҳазалардан сўнг эълон қилган эдик. Чунки, айрим маслаҳатчилар «бу ишга яхшиси аралашманглар, «юқоридан» кўрсатма бўлган, балога қоласизлар» дейишганди. Лекин, адолатсизликка йўл қўйилганини исботловчи далиллар етарли эди. Бизни қувонтирган нарса шу бўлдики, орадан ўн кун ўтар-ўтмас ҳеч қандай гина-кудратсиз, писандасиз Олий суддан жавоб олдик. Унда жумладан бундай дейилган эди: «...мақолада мулоҳаза юритилган жиноят ишлари олий судда назорат тартибида ўрганиб чиқилди... Мақолада қайд қилинган ишлар юзасидан чиқарилган суд ҳужжатлари Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2003 йил 1 июлда бекор қилинди...»

Шунингдек, жавоб хатида мақолада муносабат билдирилган жиноят ишларининг бир қисми қайта кўриш учун судга, айримлари қўшимча терговга қайтарилгани маълум қилинган эди.

Энди ўйлаб кўрайлик: бу билан Олий суднинг обрўси тўкилдими ёки ошдими? Албатта ошди, биринчидан адолат қарор топди, норози бўлиб юрган қанча одамларнинг Олий судга ишончи, ҳурмати кучайди. Айнан ана шундай мисоллар суд жазоловчи орган эмас, балки одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этувчи идора эканлигини амалда исботлашга хизмат қилади.

Худди шундай эътирозларни ОАВга нисбатан ҳам айтиш мумкин десам, менимча, хато бўлмайди. Нотўғри ёки асоссиз гапларимиз учун узр сўрашга ўзимиз ҳам ҳали унчалик кўникканимиз йўқ. Ҳатто суд тузатиш бериш ҳақида чиқарган қарорни ҳам эълон қилишдан баъзан бўйин товлашга ҳаракат қиламиз. Уяламизми, қўрқамизми, обрў талаблик қилаяпмизми?.. Ахир ўзимиз суд қарорини бажаришни истамасак, яна қандай қилиб адолат ҳақида гапирамиз.

Давра суҳбатида Олий суднинг матбуот котиби О.Ўсаров бундай деди: «Соҳадаги жиддий камчиликлардан бири бу журналистларимизнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлиги билан бевосита боғлиқ... Бу мавзуда эмоцияга берилиш масалани бир ёқлама, нохолис, юзаки ёртитилишига олиб келади... Баъзан мақолаларда судьяларнинг шаънини камситувчи, кесатиқ жумлалар учрамоқдаки, бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин».

Давра суҳбатида журналистларимиз шаънига бошқа кўплаб эътирозлар ҳам айтилди. Тўғриси, бу эътирозларга эътибор билдиришимиз ўринсиз деб ҳисоблайман. Ҳалиҳамон судлар ҳукми устидан ҳукм чиқариш, судьяларнинг шахсиятига тегадиган сўзларни айтиш, масалани чуқур ўрганмай, аризачи ва унинг адвокати қўлидаги ҳужжатларга суяниб фикр юритиш, хулоса чиқариш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Назаримда бир томонламаликдан ҳоли бўлиш учун терговни олиб борган терговчи ёки ишни кўрган судья билан ҳам учрашиш, у ё бу масала бўйича хулоса чиқарганда нимага асосланганлиги билан қизиқиб кўришимиз ҳам зарурга ўхшайди.

Давра суҳбатида республика газеталаридан бирида эълон қилинган мақола ҳақида гап кетди. Ички ишлар вазирлиги тергов бошқармаси бошлиғи А.Шарафитдинов бу жиноят ишидан шахсан хабардорлиги, бу шахс устидан жиноий қўзғатишга асослар етарли эканлиги тўғрисида тўхталди. «Бизлар ҳам ўйлаймиз, ҳар бир жиноят иши ортида инсон тақдири ётганини биламиз, — деди у. — Мақсадимиз одамларни қамаш эмас, ҳуқуқни ҳимоя қилиш. Фақат ёзишдан олдин масаланинг ҳамма томони ўрганилса яхши бўларди».

Шу ўринда бизга елимдек ёпишиб олган бир иллат ҳақида тўхталиш лозим, деб ўйлайман. Нафақат ҳуқуқ мавзуидаги, балки бошқа мавзулардаги мақолаларимизда ҳам гўё ҳаммага раҳбардек «топшириқ бериш, вазифа қўйиш»дек бемаъни одатдан қутула олмаяпмиз. Масалан, «керак», «зарур», «лозим» деган сўзларни қатъий айтамиз. Шу аснода беихтиёр буйруқ, ҳукм оҳанги мақоламизда устуворлик қила бошлайди.

Менимча, бу иллат собиқ шўро давридан бизга «мерос» бўлиб қолган. Чунки, совет замонида туман, шаҳар, вилоятлардан тортиб республика нашрларигача ҳамма-ҳаммаси коммунистик партиянинг органи, жанговар қуроли ҳисобланарди. Маълумки, Коммунистик партия бутун давлат, жамият устидан яккаюягона ҳукмдор эди. Ана шу ҳукмдорлик, буйруқ бериш компартиянинг нашрларига хос эди, уларнинг гапи партиянинг гапи эди.

Суд фаолиятини ёритишда журналистлар ва судьялар ўртасида баҳсга сабаб бўлиб келаётган яна бир масала бор. Жиноят ишлари тўғрисида ОАВ фақат ахборот бериш ҳуқуқига эга, деган қарашлар бор. Журналистлар эса фикр-мулоҳаза билдиришга ҳақлимиз дейди. Шу ўринда масалага олдин аниқлик киритиб олиш керак. Тергов ва суд жараёнидан тортиб, то суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар журналист фақат ахборот бериш ҳуқуқига эга. Лекин ҳибсга олинган киши нимада айбланаётгани ҳақида давлат айбловчиси билан биргаликда адвокат фикрини бериш мумкин. Бу дунё тажрибасида бор. Журналист ўз суриштируви, шахсий фикр-мулоҳазасини суд ҳукми қонуний кучга киргач ошкор қилиши мумкин. Шу ўринда савол туғилади: хўш, агар журналист қўлида қамокда ўтирган одамнинг айбсизлигини исботловчи маълумот, далилий ашё бўлса-чи? Суд ҳукмини кутиб ўтирса, бегуноҳ бир одам ойлаб қамокда ўтираверадими?

Бундай ҳолатда журналист қўлидаги маълумотларни адвокат орқали терговчига ёки судьяга топшириши мумкинлиги мутахассислар томонидан айтилди.

Давра суҳбатида яна бир муҳим масалага эътибор қаратилди. Бу эътироз ҳуқуқ мавзуида ёзадиган ҳамкасбларимизнинг айримларига эҳтимол ёқмаслиги мумкин. Чунки, ҳуқуқ мавзуи деганда фақат «ўғирлаб кетди, уриб кетди, ўлдириб кетди» каби жиноят тафсилотларини олдиқочди қилиб ёзадиганлар йўқ эмас. Бунақа нарсаларга ўч журналист тоши енгил гаплар, ичи пуч шов-шувлар орқали шуҳратга интилаётганга ўхшайди. Жиноят тафсилоти ҳақида меъёрида гапириб, жиноят сабабларини ва оқибатлари ҳақида кўпроқ фикр-мулоҳаза юритиш фойдали эмасми?

Суд ҳокимияти фаолиятини ёритиш ҳақида гап кетганда, назаримда, яна бир жиддий масала эътиборимиздан четда қолаётганга ўхшайди.

Б.Мустафоев нутқидан: «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан охирги икки йил давомида 14 мингдан ортиқ шахс ўз айбини бўйнига олиб, жабрланувчи билан ярашганлиги ва етказилган зарарни қоплаганлиги учун жиноий жавобгарликдан озод қилинди, судланганларнинг 13 фоизига нисбатан жарима жазоси қўлланилди. Энг муҳими судланганларнинг сони камайди, озодликдан маҳрум қилиш жазоси 34,7 фоизга тушди, 65,3 фоиз судланувчи маҳкумликдан бошқа енгилроқ жазога тортилди.

Мулк мусодарасига қаратилган амалиёт ўзгартирилди, иқтисодий тоифадаги жиноятларга жазо тайинлашда етказилган зарарнинг қопланиши оғиридан енгилроқ жазо тайинлаш билан чегараланиш ҳуқуқини судларга берди.

Янгиликлардан яна бири, терговда бир йилу олти ой ҳибсда сақлаб туриш нормаси ўзгартирилди, 90 фоиздан ошиқ терговдаги ишлар 2-3 ой ичида тугатилиши ва қонуний тўхтамга келиниши таъминланди, прокурор санкцияси билан қамоққа олиш 50 фоизга камайди. Кўп эпизодли оғир тоифадаги гумондор, айбдорлари бир нечта бўлган уюшган жиноятчиларга тегишли тергов ишлари алоҳида ҳолларда Бош прокурор томонидан тергов ва ҳибсда сақлаб туриш муддати бир йилгача узайтирилиши мумкин».

Ўз-ўзидан савол туғилади: Суд-ҳуқуқ соҳасидаги бу ўзгариш ва янгиликлар моҳиятини етарли равишда, одамларга тушунарли қилиб ёритаяпмизми? Ёки мулк мусодарасига қаратилган ўзгаришларни олайлик. Иқтисодий тоифадаги жиноятларга жазо тайинлашда етказилган зарар қопланса, енгилроқ жазо бериш билан чегараланиш ҳуқуқи қанчалаб одамларни қамоқдан асраб қолмоқда. Бу моҳияти жиҳатидан ўта муҳим мавзу эмасми?

Конституциявий суднинг судьяси Г.Пиржанов билдирган фикрлар ҳам кишини ўйлашга, хулоса чиқаришга даъват этади: «ОАВдаги чиқишларнинг кўпчилиги суд ҳокимияти фаолиятидаги ютуқларни тарғибот қилиш билан чегараланмоқда... Фикримизча, асосий эътибор фуқароларни ўйлантираётган муаммолар, баъзи бир судьялар томонидан йўл қўйилаётган ноқонуний ҳолларни очиб ташлаш, судларга тўсиқ бўлаётган турли хилдаги тўрачиликларни бартараф этишга қаратилмоғи керак.

Бунинг учун журналистдан суд ҳокимиятига нисбатан «андиша» кўзи билан эмас, балки адолат кўзи билан қараш талаб этилади».

«Андиша кўзи билан эмас, адолат кўзи билан».

Бу сўзлар остида қандай маъно-мақсад ётибди? «Андиша» ортида «андиша»дан бошқачароқ, андишага алоқаси йўқроқ яна нимадир борга ўхшамайдими? «Андиша» ортида «сен менга тегма, мен сенга» қабилидаги манфаатдорлик ётган эмасмикин? Лекин, бундай «андиша»дан оддий одамлардан тортиб, бутун жамият зиён кўрмайдими? «Андиша»га бориб сукут сақлаётган, адолатсизликни кўриб, кўрмасликка олаётган, кимнингдир кўзига ёмон кўриниб қолишдан чўчиётган журналист ҳам, судья ҳам шу жамиятнинг аъзоси. Бир кунмас бир кун жамиятдаги шу муҳитдан ўзлари ҳам азият чекиши мумкин-ку.

Адолатни айтиш анча оғир кечади, албатта. Очиқ, аччиқ гапларга чидашга тўғри келади. Бемор одамни аччиқ дори даволайди, жамиятни эса очиқ, аччиқ гаплар.

Давра суҳбатида Олий суд раиси ўринбосари Б.Жалолов, Олий хўжалик суди судьяси А.Дўстбобоев, юридик фанлари доктори, профессор Ғ.Абдумажидов, ОАВни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раиси Х.Дўстмуҳамедов ва бошқалар ҳам мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Сафар ОСТОНОВ

КЎНГЛИНГИЗ НИМАНИ ТУСАЙДИ... ҲАММАСИ БОР

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ. Навбаҳор туманидаги Янгиқўрғон қишлоқ марказида замонавий «Янгиқўрғон» маркетинг савдо маркази ишга тушди. Эндиликда қишлоқ аҳолисининг узоғи яқин бўлиб, улар озиқ-овқат, қандолат, яхна ичимликлар ва бошқа саноат маҳсулотларини харид қилиш учун туман, вилоят марказларига қатнаб юрмайдиган бўлдилар. Кўнглингиз нима тусаса-ки, ҳаммаси бор...

— Хабарингиз бор, ЮНИСЕФнинг «2003 йил ижтимоий мониторинги»да Ўзбекистон аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги кўрсаткичи бўйича энг яхши ўринга муносиб кўрилди, — дейди сотувчи Ҳасан Жумаев. — Жумладан, бизнинг янги савдо марказимиз ҳам ана шундай фаровонликни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган улуғвор ишларимизнинг кичик бўлса-да, ёрқин бир нишонаси.





Суратларда: савдо маркетингининг олд кўриниши; сотувчи Ҳасан Жумаев.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

«ЧИМИЛДИҚ» ИНГЛИЗЛАРГА ЁҚДИ

Буюк Британия қироллиги драма театри ижодкорлари Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли вилоят драма ва комедия театри меҳмони бўлишди. Улар гўзал Фарғона шаҳри осори-атиқаларини ва бошқа диққатга сазовор жойларни томоша қилишди. Шаҳар маданият-маънавият соҳаси намояндалари билан учрашдилар. Қизғин ўтган мулоқотлар давомида ҳар икки тараф ҳам ўз маданиятлари хусусида суҳбатдошларини таништирди. Вилоят театрида улар шарафига намойиш этилган «Чимилдиқ» спектакли англияликларда ажойиб таассурот қолдирди. Театрлараро ўзаро муносабатларнинг чуқурлашуви санъатимиз ривожига хизмат қилиши табиий.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

«Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштириш» мавзуида семинар ўтказилди.

Анжуманда Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Аҳмаджонова, Конрад Аденауэр фондининг махсус мухтор вакили, доктор Х.Бюллер, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари Миллий маркази директори А.Саидов, Ўзбекистон ХДП МК масъул ходими, сиёсатшунос М.Ельшов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Биз кучли давлатдан кучли жамият сари қатъият билан интиляпмиз. Бу борада ижтимоий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштириш муҳим ўрин тутиши аниқ. Шу боис тадбир қатнашчиларида семинар машғулотлари катта қизиқиш уйғотди, чунки анжуман таассуротлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳаётда уларга қўл келади.

Носир ТОИРОВ,
ХДП Тошкент вилоят кенгаши иккинчи котиби

ВАЗИРЛАРНИНГ ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ЙИҒИНИ

Пойтахтимиз яна бир халқаро анжуманга ҳозирлик кўрмоқда. Бу сафарги йиғилишда етти мамлакатдан ташриф буюриши кутилаётган вазирлар ҳамда расмий доираларнинг юқори мартабали вакиллари иштирок этишади. Улар Марказий Осиё ҳудудий-иқтисодий ҳамкорлиги дастурига кўра ҳамкорликни янада кенгайтириш ва иқтисодий алоқаларни чуқурлаштиришга доир масалаларни муҳокама қилишади.

11-12 ноябрь кунлари иккинчи марта уюштирилаётган мазкур йиғилишда Озарбайжон, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Монголия, Тожикистон ҳамда Ўзбекистон вазирлари қатнашадилар. Шунингдек, унда Осиё Тараққиёт банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Халқаро валюта жамғармаси, Ислом тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ривожланиш дастури ҳамда Бутунжаҳон банкига бириккан нуфузли ташкилотларнинг вакиллари ҳам иштирок этишлари кўзда тутилган.

Делегатлар 2002 йили ўтказилган дастлабки Вазирлар йиғилишида энергетика, транспорт ва савдони рағбатлантириш каби устувор соҳаларда белгиланган истиқболли режалар ижроси жараёнида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида фикрлашадилар, бундан ташқари тармоқларда олиб бориладиган минтақавий стратегик йўналиш ва унга оқилона раҳбарлик қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

Умида МАНСУРОВА

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ ЎТАШ УЧУН ҚАСАМЁД

Пойтахтимизда АҚШ Тинчлик Корпусининг Ўзбекистонга келган 47 нафар кўнгиллисининг қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди. Кўнгиллилар хизматдан олдинги 11 ҳафталик тайёргарлик даври давомида ўзбек ва рус тилларини ўрганишди, ўзбек маданияти ҳақида маълумот олишди. Кўнгиллиларнинг ушбу гуруҳи мамлакатимиз бўйлаб Қорақалпоғистондан то Фарғона водийсигача бўлган ҳудудда ўрта ва олий таълим муассасаларида инглиз тилидан таълим беради.

АҚШ элчихонасининг муваққат ишлар бўйича вакили жаноб Дэвид Эплтон АҚШ ҳукумати номидан кўнгиллилар қасамёдини қабул қилди. Маросимда Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашдилар. Меҳмонлар орасида кўнгиллиларни ўз хонадонларида яшашга қабул қилган оила аъзолари ҳам бўлишди.

Тинчлик Корпуси Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги билан 1992 йилда имзоланган Ҳукуматлараро Шартномага асосан фаолият юритаяпти. Шу давр мобайнида АҚШнинг 500 дан ортиқ фуқароси Ўзбекистонда кўнгилли бўлиб хизмат ўтади.

Алишер РЎЗИЕВ

ХАЛҚАРО ЭКСПЕДИЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

Қадимий Бухоро ва унинг тарихи ҳамиша қизиқарлидир. Бу кўҳна шаҳар тарихини ўрганиш борасида бундан икки йил илгари Римда ўтказилган халқаро илмий анжуманда қатъий қарорга келинганди. Ана шу нуфузли анжуманда Ўзбекистон ФА Археология институти етакчи олимлари билан Рим университети Шарқ бўлими директори, профессор Кияара Сильви Антонини ҳоним илмий изланишларни ҳамкорликда олиб боришга келишиб олишганди.

Айни кунларда К.С.Антонини бошлиқ итальян ҳамда ЎзРФА Археология институти етакчи илмий ходими Ж.Мирзаахмедов бошлиқ ўзбек экспедицияси Жондор ва Ромитан ҳудудида жойлашган Варахша мавзеининг Учқулоқ тепалигида илмий археологик изланишлар олиб боришяпти. XII аср охири ва XIII аср бошларида, яъни Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврига оид қимматли топилмалар юзага чиқди.

(Ўз мухбиримиз)

«Пахта — 2003»



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА БИРИНЧИ

Қораўзак тумани пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик шартнома режаларини Қорақалпоғистон Республикасида биринчи бўлиб бажарди: эл хирмонига 3400 тонна ўрнига 3416 тонна пахта топширилди.

Туман хўжаликларида ҳозир 162 та фермер хўжалиги фаолият юритаяпти. «Қутлуишон», «Жонкелди», «Қорашухат» каби ўнлаб фермерлар пахта тайёрлаш режаларини 160-180 фоиздан ошириб адо этишди. Шунингдек, «Қуралпа», «Қаршигали», «Қоракўл» фермер хўжаликлари бирлашмалари жамоалари ҳам эришилган ютуққа салмоқли улуш қўшдилар.

Хўжаликларда йиғим-терим ишлари давом этмоқда. Миришкорлар яна қўшимча 200 тонна пахта етказиб беришга аҳд қилишди.

Шу тумандан яна бир хушхабар: туман шоликорлари шартномавий режадаги 8580 тонна ўрнига 8680 тонна шоли топшириб, бу борада белгиланган топшириқни ҳам бажардилар.

Айни кунларда хўжаликларда ҳосилдан бўшаган майдонларда кузги-қишки тайёргарлик ишлари ҳам бошлаб юборилди.

(Ўз мухбиримиз)

УЧ ТУМАН ҒОЛИБЛАР САФИДА

360 минг тонналик «оқ олтин» хирмони яратиш учун бухороликлар айни кунларда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу эса ўз самарасини бермоқда, туманларда пахта тайёрлаш йиллик шартнома режаси уддаланмоқда. Коғонлик пахта усталари вилоятда биринчи бўлиб зафар маррасини эгалладилар. Улар қабул масканларига 21500 тоннадан ошиқ юқори сифатли ҳосил етказиб бердилар. Коғонликлардан сўнг Вобкент тумани деҳқонлари давлатга 34500 тонна пахта сотиб, сўзларининг устидан чиқдилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнердан ошди. Кеча эса Пешку туманида ҳам йиллик режа уддаланиб, пахтачиликдаги қолоқликка бутунлай барҳам берилди.

Даврон БАҲРОНОВ

«ҚОВУНЧИ» ХИРМОНИ

Янгийўл туманидаги «Қовунчи» ширкат хўжалиги пахтакорлари қабул пунктларига 1447 тонна сифатли пахта хомашёсини етказиб бериб, давлатга пахта сотиш шартномавий режасини бажардилар.

Жорий йилда 573 гектар майдонга сара чигит қадаган деҳқоннинг бугун юзи ёруғ. Ҳосилдорлик гектарига 27-28 центнерни ташкил этди.

— Хўжалигимиз туманда иккинчи бўлиб режани адо этди, — дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Эргаш Музаффаров. — Биз қўл теримига 2 мингдан зиёд теримчини жалб қилиш билан бирга ўзимиздаги мавжуд пахта териш машиналаридан ҳам унумли фойдаландик. Бу йилги ҳосилдан 200 миллиондан зиёд даромад олишни кўзлаб турибмиз.

Соҳибжон САЛИМОВ

ҲАР БЕШ КУНДА ҲАҚ ТЎЛАНЯПТИ

Қўшкўпир туманидаги О.Жуманиёзов номли ширкат хўжалиги ҳар куни режанинг уч фоизи миқдорида пахта топшириб, бу борада туманда илғорлар қаторида бормоқда. Бунинг боиси — Тошкент Давлат тиббиёт институтининг 1-сон Урганч филиали талабаларининг пахтакорларга ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан йиғиштириб олишда кўмак бераётгани.

— Талабаларимиз ўзгача иштиёқ билан теримда қатнашмоқда, — дейди филиал директори, профессор Б.Дўстчонов. — Мисол учун, даволаш факультетининг бешинчи курс талабалари ўзаро мусобақада олдинда боришяпти. Талабалар терган пахтаси учун ҳар беш кунда иш ҳақи олишяпти».

Бугунга келиб талабаларнинг хўжалик хирмонига қўшган улуши тўрт юз тоннадан ошиб кетди.

Рўзимбой ҲАСАН

АСАЛАРИЧИЛАР АНЖУМАНИ

Фарғонада «Асаларичилик XXI асрда» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Вилоятда ҳар икки йилда ўтказиладиган анъанавий «Асал байрами» тадбирлари доирасида ташкил этилган ушбу анжуманда Тожикистон, Қирғизистон сингари МДҲ давлатлари олимлари, мутахассислари билан бирга республикамиз вакиллари иштирок этишди. Анжуманда Марказий Осиёда асаларичилик муаммолари, бу соҳани ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш масалалари таҳлил этилди. Келгуси ишлар режалари белгилаб олинди.

Алишер ИБОДИНОВ

ТЕМИРИДАН... ТАЪМИРИ ҚИММАТ

ёки 250 минг сўмга таъмирланиб, 120 минг сўмга сотилган «КамАЗ»

Болтабой Раҳимов Боғот туманидаги «Хоразм» ширкат хўжалигида узоқ йиллардан буён ҳайдовчилик қилиб келаётганди. У бошқараётган «КамАЗ — 5511» русумли юк машинаси кун келиб таъмирталаб бўлиб қолди. Бундай пайтда, албатта, ҳайдовчи аввало хўжалик раҳбарларига дардини айтади. У ҳам шундай қилди. Хўжалик унга саккиз дона шина берди, холос. Қолган кам-кўстини ўзи ҳал қилиши айтилди.

Болтабой ҳеч ўйлаб ўтирмасдан боқиб қўйган хўкизини бозорга солди ва унинг пулини — 250 минг сўмни таъмирга сарфлади — машина двигателини ва бошқа майда-чуйда ишларини қўлдан чиқарди. Деярли, янги бўлиб қолган машинани энди ҳайдаб кўрай, деб турганида... Хўжаликнинг профилактика инспектори Эркин Норметов келиб: «Бу машинани «ким ошди» савдосида сотиб олганини ва олиб кетишини» айтди.

Болтабой дарҳол хўжалик раиси (ҳозирда собиқ) Эргаш Хўжақовнинг ёнига борди. «Ака, бу нима гап, «ким ошди» савдоси бўлишини айтсангиз ўзим сотиб олишим мумкин эдик-ку», деди. Раис «Машина учун 600 минг сўм тўласанг, ўзингга қолади» дегач, ҳафсаласи пир бўлди. Чунки унда бунча пул йўқ, бисотидаги хўкизини сотиб таъмирга ишлатганди. Энди нима ҳам қиларди, иложсизликдан машинани Э.Норметовга бериб юборди...

Бу воқеалар 2000 йил ёз ўрталарида содир бўлди. Кейинчалик билса машина 2000 йил 30 мартда «яроқсиз ҳолга келиб қолгани сабаб» фуқаро Абдукарим Норметовга 120 минг сўмга сотилган экан. Икки ўртада таъмир учун пулига қуйгани, уни алдаб аллақачон сотилган машинани созлатишгани, бу ҳам етмагандек машинани кўп йилдан буён бошқариб келаётган ҳайдовчига бир оғиз айтишмагани, жамоанинг бундан беҳабарлиги... Э.Норметов «Сарфлаган пулингизни бераман» деб алдаб кетгани... Б.Раҳимов ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилди. Вилоят ИИБга ёзган аризаларига ҳатто жавоб хати ололмагач, вилоят прокурори ҳузурига борди.

Қуйида ушбу «Аризага жавоб»ни ўқиб кўринг:

«Боғот туман прокуратураси томонидан сизнинг вилоят прокурори номига ёзган аризангиз юзасидан текшириш ўтказилди.

Текширишда «Хоразм» ширкат хўжалигига тегишли бўлган «КамАЗ — 5511» русумли, «4952 ХЗЛ» давлат белгили автомашинанинг фуқаро Норметов Абдукаримга сотилиши билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар олдирилиб, қонунийлиги ўрганилганда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмади. Сизнинг ушбу машинани таъмирлаш учун сарфлаган 250.000 сўм харажатларингиз текшириш жараёнида... ундириб берилди.

Боғот туман прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Ж.НАРИМБЕТОВ.»

... Бир қарашда ҳақиқат қарор топгандек, даъвогар даъвоси қаноатлантирилгандек туюлади. Аммо фуқаро Б.Раҳимов бунга салкам уч йил елиб-югуриш орқали эришди.

Умри техника билан боғлиқ профессионал ҳайдовчини ажаблантирган нарса... таъмирининг ўзига 250 минг сўм сарфлангани, шунингдек, саккиз дона шина билан таъминлаган машинанинг бор-йўғи 120 минг сўмга сотилгани. Унинг фикрича, оғирлиги саккиз тонна келадиган машинани темир-терсакка топширганда ҳам хўжалик кўпроқ наф кўрмасмиди?! У ҳамон ҳайрон, «Темиридан... таъмири қиммат» бу-«олди-сотди» савдосида қандайдир сир бор, деган ўй унга сира тинчлик бермаяпти.

Саъдулло БОБО
Хоразм вилояти.

Луқма

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЎзХДПнинг 12 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ

Гулистон, Янгиер, Ширин, Қўқон шаҳар, Меҳнатобод, Беруний, Косонсой, Наманган, Сайхунобод, Уйчи, Учқўрғон, Чуст, Ш.Рашидов, Чилонзор, Ҳамза ва қатор бошқа туман, шаҳар партия кенгашларида учрашувлар, йиғилишлар, қабул маросимлари ўтказилди. Тадбирларда партиянинг 12 йилда босиб ўтган йўли тўғрисида гапирилиб, келажакда амалга ошириладиган ишлар ҳақида атрофлича фикр юритилди. Шунингдек, партия фаолиятига салмоқли ҳисса қўшган фаолларга Фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Партия Қорақалпоғистон республика кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси «Доимий ривожланиш» хайрия жамғармаси биргаликда, Ўзбекистон ХДП ташкил топган кун муносабати билан тадбир ўтказдилар. Қизқаттиқ посёлкаси ҳудудида яшовчи бир гуруҳ фаоллар учун дастурхон ёзилди.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши фаоллари мазкур сана муносабати билан Қамаши, Қарши, Касби туманларида учрашув ва суҳбатлар ўтказдилар. Қамаши тумани «Чимқўрғон» хўжалиги дала шийпонида бўлиб ўтган учрашувда вилоят партия кенгаши биринчи котиби О.Равшанов, Олий Мажлис депутати, туман шифохонаси бош шифокори А.Ғафуров йиғилганларга партия ташкилотлари фаолияти, ХДПга аъзо фуқароларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда иштироки ҳақида сўзлаб бердилар. Учрашув жараёнида бир гуруҳ ёшлар ХДП сафига қабул қилинди, қатор фаоллар ва илғор теримчиларга вилоят партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилди. Тадбирда Қамаши тумани ҳокими И.Исломов иштирок этди.

Андижон шаҳар партия кенгаши томонидан Андижон механика, «Биокимё» корхоналари, УПТК-162, Бобур номидаги ипйигирув комбинати, «Ёғ мой», «Тожметалл» ҳиссадорлик жамиятлари, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимида меҳнат қилаётган ХДП аъзоларини бирлаштирган БПТларида партиянинг 12 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилди. ХДП фахрийлари, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди ва совғалар улашилди.

Чирчиқ шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман партия кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди. Уларда мазкур партия кенгашлари етакчилари Дониёр Азизхўжаев ва Раъно Сатторовалар ташкилотлар олдида турган долзарб масалалар ҳақида маърузалар қилдилар. Тадбирлар сўнгида бир гуруҳ фаолларга ХДПнинг 12 йиллиги муносабати билан Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Бу ҳақда вилоят сессиясида айтилган эди

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг ўтган йил ноябрь ойи охирида бўлиб ўтган сессиясида шундай деган эди: «...ерларнинг мелиоратив ҳолати йилдан-йилга ёмонлашиб, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги сурункали равишда пасайиб кетмоқда... Бир вақтлар Сирдарё механизация бўйича олдинги ўринда эди-ку, бу ерда илғор деҳқончилик мактаби бор эди-ку? Нега вилоят бугун мана шундай оғир аҳволга тушиб қолган...»

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР БОР-У, МУАММОЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС...

Давлатимиз раҳбари ўшанда таъкидлаб ўтганидек, вилоятда қишлоқ хўжалиги сўнгги йилларда фақат зарар келтириб ишлайдиган соҳага айланиб қолди. Уч-тўрт йилдирки, вилоятда пахта тайёрлаш режаси сурункасига бажарилмаётир...

Қолаверса, 2000 йил февраль ойида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияда ҳам бу ҳақда очиқ-ойдин айтилди: **«...вилоят ерлари ачинарли мелиоратив ҳолатда. Етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархи ошиб бораяпти. Моддий-техника базасида ўзгартиришлар билан боғлиқ муаммолар кўп...»**

Тўғри, сўнгги икки сессиядан кейин ишнинг ўнгланиб кетиши учун вилоятда бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилди. Масалан, деҳқонларнинг бош суянчиғи — вилоят МТП — машина-трактор парклари (тасарруфида туманлардаги 19 та шундай парк бор) бирлашмаси аста-секин бўлса-да, фаолиятини жонлантириб бораётир. Шу йил бошидан Оқолтин туманида муқобил асосда ишлайдиган, тезюрар «Кейс», «Класс» комбайнлари ва чет элда ишлаб чиқарилган машиналар билан жиҳозланган янги МТП фаолият кўрсата бошлади. Оқолтин, Шароф Рашидов туманларидаги собиқ хўжаликлар негизида машина-трактор парклари сақлаб қолиниб, улар фермерларга хизмат қилувчи корхоналарга айлантирилди.

Бирлашма жамоалари ўтган йили турли ширкат ҳамда фермер хўжаликлари билан 3326 та шартнома тузиб, йил бўйи 7 миллиард 610 миллион сўмликдан ортиқ иш бажаришди. Ана шу хизматнинг деярли ярми фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келаётгани эътиборга молик.

МТП жамоалари масъулияти ошиб, жорий йил бошида 4115 тадан ортиқ шартнома тузилди. Зиммага салкам 9 миллиард сўмлик хизмат кўрсатиш мажбуриятлари олинди. Қиш ва баҳор ойларининг оғир, мураккаб, серёғин келишига қарамай, ер ҳайдаш, экин-тикин ишлари зарур агротехник муддатларда уддаланди.

Ҳукуматимиз қарори билан бундан уч йилча муқаддам «Ўзқишлоқхўжаликлизинг» акциядорлик компанияси ташкил этилди. Орадан кўп ўтмай, (2000 йил декабрь ойидан бошлаб) унинг вилоят филиали фаолият кўрсата бошлади. Ҳозир мазкур филиал ширкат ва фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалигига оид бошқа ташкилотларни лизинг асосида техника билан таъминлаш борасида самарали иш олиб бораётир. Ўтган икки йил ичида унинг саъй-ҳаракати билан вилоятга 223 та ҳайдов ва чопиқ тракторлари, 19 та прицеп олиб келинди. Қувонарли томони — 2001 йилда харид қилинган 120 та чопиқ ва ҳайдов тракторларидан 82 таси, ўтган йили келтирилган 82 та тракторнинг 68 таси фермерлар қўлига тегди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида яна 21 нафар фермер турли русумдаги трактор эгалари бўлишди.

Бундан олти ойча муқаддам Гулистон шаҳрида «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси вилоят филиалининг ҳам техник маркази очилди. Марказ фермерлар ва қишлоқ хўжалигига дахлдор ташкилотларни тайёр қисмлар билан таъминлаш борасида катта ишлар қилмоқда. Унинг қошида ўқув курси ташкил этилди.

Акрам Раҳмонқулов,
техник марказ бошлиғи:

— Бугунгача фермерлар ва бошқаларни салкам 200 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар билан таъминладик. Фаолиятимизни имкон қадар кенгайтириш ва далада ишлаётганларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш мақсадида сўнгги икки йил ичида вилоят машина-трактор хўжалигини 531 та янги трактор билан бойитишга эришдик. Бу борада, албатта юқори ташкилотлар жамоаларининг ҳам кўмаги катта бўлди. Ҳозир жами тракторларимиз сони 5952 тага етди...

Марказ бошлиғи келтирган сўнгги рақам: 5952 та трактор деган иборага эътибор беринг: бу кўпми ё оз?

Статистик маълумотларга кўра, саксонинчи йилларнинг охири ва тўқсонинчи йилларнинг бошида Сирдарё вилоятида фақат қишлоқ хўжалик соҳасида ишлатиладиган тракторларнинг сони 15 мингтадан ортиқ эди. Пахта териш машиналарининг ўзи салкам беш мингтача эди. Вилоят бўйича жами тракторлар сони 20-25 мингтага яқин эди. Бунча техника қудрати билан воҳада йилига 300 минг тонналик пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун кураш олиб борилларди. Бугун эса, ҳаммаси бўлиб 6 мингга яқин трактор?! Ҳолбуки, қишлоқ хўжалиги борасида эришилиши лозим бўлган асосий кўрсаткичлар айтарли ўзгаргани йўқ. Икки йилдирки, 264 минг тонналик пахта хирмони ва бошқа маҳсулотлар учун кураш бормоқда. Икки йил бурун эса бу кўрсаткич — 300 минг тоннадан ортиқ эди.

Беихтиёр савол туғилади: ўн-ўн беш йиллик давр мобайнида шунча техника қаёққа ғойиб бўлди? Жавоби аниқ: «десантчилар» даврида икки қўшни (Сирдарё ва Жиззах) вилоятларининг қўшиб юборилиши, «Главсредазирсовхозстрой» ва кейин «Голодностепстрой»нинг тугатилиши, бир неча йиллар қаторасига қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклининг у турдан бу турга ўзгараверишлари каби муҳитлар жараёнида талон-торожлик ва исрофгарчиликларнинг рўй бериши, эгасизлик иллатининг авж олиши нохуш натижалар сари етаклади.

Ўтган йили тўла фермерлик ҳаракатига ўтилганидан сўнг Мирзаобод туманида қишлоқ хўжалигидан кўрилаётган зарар бир миллиард сўмга камайганди. Бу йил ҳукуматимиз қарори билан тўла фермер хўжаликларига айлантирилган Оқолтин ва Шароф Рашидов туманларида шу йилнинг ўтган даври мобайнида 5-6 тоннагача ёнилғи «тежаб» қолинди. Шунингдек, бошқа харажатларнинг камайиши ҳисобига ҳам қишлоқ хўжалигидан кўрилаётган зарар Оқолтин туманида 1,5 миллиарддан, Шароф Рашидов туманида эса 1,2 миллиарддан кўпроқ сўмга камайди. Ваҳоланки, ўтган йили ноябрь ойининг сўнгги кунларида бўлиб ўтган вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида Юртбошимиз айни шулар ҳақида, яъни қишлоқ хўжалиги вилоятда йил сайин зарар кўриб ишлайдиган соҳага айланиб қолаётгани ҳақида тўхталиб ўтганди. Демак, ишласа, ҳаракат қилса, нуқсонларни бартараф этса бўлар экан.

Оқолтинлик Ғулом Фозиловнинг бу борадаги ибратли фаолиятига назар ташланг: у етти йилдирки, «Тўқмоқ» фермер хўжалигига раҳбарлик қилмоқда. Бундан уч ярим йил муқаддам банкдан 20 миллион сўм кредит олиб, янги ҳайдов трактори ва бошқа техника воситалари ҳамда зарур эҳтиёж қисмлар сотиб олганди. Ўша йили кўрган даромадидан барча қарзини тўлаб бўлди, трактор эса фойдага қолди. Ўтган йили об-ҳаво ноқулайлигига қарамай жамоаси билан 120 гектарлик пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олди. Кўрилган соф фойда пахтачиликдан 25 миллион, ғаллачиликдан 8 миллион сўмга етди. Бу мернинг 500-600 минг сўмдан зиёд нақд пули ўз ёнидан кетди. Хўш, маблағни у қаердан олди? Мол-ҳолидан айрилди, қарзга ботди...

Тўғри, вилоятда бугунги кунда фермер хўжаликлари сони 1192 тага кўпайди. 151 минг гектар экин майдонларида фаолият кўрсатаётган 5538 фермер хўжалиги деҳқончилик қилишаяпти. Бироқ уларда борйўғи 116 та ҳайдов, 363 та чопиқ, 164 та транспорт трактори бор, холос. Бу — битта чопиқ тракторига ўртача 416,2, битта ҳайдов тракторига 1302,3, битта транспорт тракторига эса 921,2 гектардан ер тўғри келмоқда, деганидир.

Хўш, МТПлар-чи, дерсиз?

Шуни бугун очиқ айтиш лозим, МТПлар вилоятда аллақачон ожиз ва ночор ташкилотларга айланиб улгурди. Улар зиммасидаги қарзлар ҳозир миллионларга сиғмай, миллиардли рақамлар билан ўлчанмоқда. Атиги 20 нафаргина киши ишлайдиган МТП вилоят бирлашмаси ўз ходимларига икки йиллик ойлик маошларини тўлай олмай қийналганини кўрсангиз эди... Аниқроқ айтганда, ташкилотнинг иш ҳақлари бўйича қарзи 12-13 миллион сўмдан ошди. Вилоят идорасида аҳвол шундай бўлгач, қуйи ташкилотлардан нимани талаб қилиш мумкин?

Вилоятда йўлга қўйилган лизинг хизмати ҳақида ҳам бир истак: бу хизматнинг маълум имтиёзлари бор, албатта. Лекин буни қарангки, йилдан-йилга фермер хўжаликлари кўпайиб бораётгани сари лизинг хизмати орқали техника сотиб олувчилар сони камайиб кетмоқда. Сабаби — биринчидан, республикамизда ишлаб чиқарилаётган чопиқ ҳамда ҳайдов тракторлари ва тайёр қисмлар нархи муттасил ошиб бораётгани бўлса, иккинчидан, баъзилар учун лизинг хизмати шартлари анча оғирлик қилаяпти. Негаки, уларнинг нархи кейинги 2-3 йил мобайнида деярли уч баробарга қимматлашди.

Шу ўринда Осиё Тараққиёт банки томонидан берилаётган кредит шартларига ҳам эътибор қилинг: банк орқали шартнома тузиб, у берган қарзни олганингиздан сўнг икки йилча сиз ҳеч қандай тўлов масъулиятига эга бўлмайсиз. Сўнгра 15-20 йил мобайнида зиммангиздаги қарзларни 5 фоиздан тўлаб борасиз. Нархи ҳозирча энг арзондек туюлса-да, дастлаб — умумий қарзнинг 15 фоизини, унга қўшимча 12 фоиз лизинг хизматини бирданига тўлаш шарти кўплаб фермерларни ўйлантириб қўймоқда. Худди шундай ҳадиклар билан «Ўзқишлоқхўжаликлизинг» вилоят филиалида ҳозир 240 га яқин фермернинг трактор сўраб ёзган аризаси ётганини ёки жорий йил якунланаётган бўлишига қарамай, бу ариза эгаларининг атиги 20 нафари трактор олиш имконига эга эканини қониқарли ҳол деб бўладими?

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят МТПлари ишини жонлантириш учун ҳаракатлар бўлаяпти. Аммо муаммолар ечимини топиш осон бўлмаяпти. Айрим мутахассислар фикрича, бу долзарб масалалар ўта жиддий эътиборни, янги ёндашувларни кутмоқда.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллиги олдидан

"ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАНОТИ

Ватанимиз равнақи, илм-фаннинг юксалишида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ўрни беқиёсдир. Юртбошимиз бундан 10 йил муқаддам ЎзРФАнинг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда шундай деган эди: **«Биз дунёдаги тараққий топган давлатлар сафига киришни мақсад қилар эканмиз, авваламбор, олимларимиз, уларнинг илми, обрўси оламда машҳур бўлиши, жаҳон илм-фанининг юксак мезонларига мос бўлиши даркор. Бугун биз олиб бораётган барча илмий изланишлар дунёдаги энг нуфузли илм даргоҳлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши, уларнинг кўмаги, тажрибалари билан бойитилиши керак».**

Дарҳақиқат, ана шу даврдан бошлаб аввало, Фанлар академиясининг бошқарув тизими тубдан ўзгартирилиб, халқаро андозаларга тенглаштирилди. Илмий-тадқиқотларнинг сифат ва самарадорлиги бош масала қилиб қўйилди. Олимларнинг дунёга чиқиши ва ривожланган мамлакатлардаги энг йирик илмий марказлар билан ҳамкорлик ришталарини мустаҳкам боғлашлари учун кенг йўл очилди. Ёш тадқиқотчиларни хорижий мамлакатларга юборилишига алоҳида эътибор қаратилди. Айни пайтда ривожланган давлатларда ўтказиладиган илмий анжуманларда қатнашиш, шунингдек, чет эл грантларини олишга бўлган интилиш ортди. Биргина кейинги уч йил мобайнида 7,5 миллион АҚШ доллари миқдорида хориж грантларининг олиниши Академиянинг халқаро ташкилотлар билан илмий ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб ва кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Шу ўринда бир масалани алоҳида таъкидлаш зарур. Ўзбекистон Республикаси ФА расман қайд этилганига 60 йил тўлаяпти. Бу рамзий маънога эга албатта. Аслида эса унинг пойдевори минг йиллар қаърига бориб тақалади. Ўзбек фанининг ривожланиш йўлларига назар солсак, кўз ўнгимизда Маъмун академияси ва унда фаолият кўрсатган Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синолардек дунё фани ва маданияти тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк бобокалонларимиз сиймоси намоён бўлади. Бугунги кунда номлари нафақат мамлакатимизда, балки ундан ташқарида ҳам маълум ва машҳур бўлган ўзбек фани дарғалари буюк олимларимиз Ҳабиб Абдуллаев, Содиқ Азимов, Иброҳим Мўминов, Яҳё Ғуломов, Саъди Сирожиддинов, Убай Орипов, Обид Содиқов, Қори Ниёзий, Собир Юнусовдек устозлар машаққатли, аммо шарафли меҳнатлари билан мамлакатимиз шуҳратини бутун дунёга танитиб келганлар. Айни пайтда ҳам ўзбек олимларининг оламшумул илмий-тадқиқотлари жаҳоннинг манаман деган фан муассасаларида тан олинаётгани юртимизда мавжуд илм мактаблари ҳамон ўз анъаналарини давом эттираётганидан гувоҳлик беради.

Мамлакатимиз ижтимоий тараққиётида муҳим ўрин тутган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан ҳукумат қарори қабул қилиниши тизим фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириш ва уни тубдан яхшилаш, шунингдек, олимлар қалбида янги-янги изланишларга бўлган иштиёқни уйғотиши билан ғоятда қимматлидир.

Шунингдек, мазкур қарорда бугунги кун талабларига мос юксак технологияларни яратиш, халқаро андозалар даражасидаги илмий ишланмаларни ҳаётга татбиқ этишни қўллаб-қувватлаш учун махсус жамғарма ташкил этиш ва унинг ҳомийлар кенгашини тузиш ҳам бениҳоя қувонарлидир. Бундай хайрли ишнинг амалга оширилиши фан ва ишлаб чиқаришни ҳар томонлама ривожлантиришда мададкор бўлишига ишончимиз комил. Шу билан бирга ушбу қарордан Фанлар академиясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида унинг ноёб иншоотларини асраб-авайлаш, илм-фан равнақининг фундаментал илмий-назарий асосларини яратиш учун алоҳида дастур ишлаб чиқишдек яна бир қатор муҳим вазифалар қўйилганки, улар ҳам эзгу ишлардан нишонадир.

Бир сўз билан айтганда, ҳукуматимизнинг Ўзбекистон Фанлар академияси миллатимиз фахри ва мамлакатимиз обрў-эътиборининг рамзига айланиши йўлида айни вақтида қабул қилинган қарори, илм-фан қадрини янада оширишда муҳим омил бўлғусидир.

Нуриддин ОЧИЛОВ

ЛОЙИҲА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Афғонистон Конституциясининг янги лойиҳаси матбуотда эълон қилинди. Кобулда уни давлат раҳбари Ҳамид Карзайга тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Лойя жирға мазкур Конституция устида ишлашни давом эттириб, шу йил декабрда якунлайди. 2004 йил ўрталарида эса умумий сайловлар ўтказилади.

Конституция лойиҳасида мамлакат президентига катта ваколатлар берилган. Мазкур ҳужжатга кўра, Афғонистонда икки палатали парламент таркиб топади. Бош вазир лавозими эса кўзда тутилмаган, дейилади Reuters ахборотида.

HONDA АВТОМОБИЛЛАРИ ЧАҚИРИБ ОЛИНАДИ

Автомобиль ишлаб чиқарувчи Honda компаниясининг Америкадаги бўлими ўт олиш тизимидаги носозлик учун 652000 та автомобиль чақириб олинишини эълон қилди.

CBS News берган маълумотларга кўра, АҚШ ҳаракатланиш хавфсизлиги миллий маъмурияти (NHTSA) шу кунгача мазкур носозлик туфайли 169 та шикоятни қайд этган. Шунингдек, айнан мана шу камчилик сабабли 28 та автоҳалокат содир бўлган. Шунинг учун Honda компанияси 2002 йилда ишлаб чиқарилган Honda CR-V, 1999 йилда ишлаб чиқарилган Honda Odyssey, 1998-99 йилларда ишлаб чиқарилган Honda Accord, 1997-99 йилларда ишлаб чиқарилган Acura CL ҳамда Acura TL русумидаги автомобилларни чақириб олишни режалаб турибди.

Эслатиб ўтамиз: шу йил ёзда ҳам компания CR-V русумидаги автомобилларини автоматик узатма қутисидаги носозлик учун чақириб олган эди.

ҚОЧОҚЛАР ВАТАНИГА ҚАЙТМОҚДА

Икки йил давомида 1 миллион 900 минг афғон қочоғи Покистондан ўз ватанига қайтдилар, дейилади БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссарлик бошқармаси маълумотномасида.

Шу йилнинг ўзида БМТ ёрдамида 337 мингдан ортиқ қочоқ Афғонистонга қайтди. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан анча кам (ўтган йили 1 миллион 563 минг 290 нафар қочоқ қайтган) бўлишига қарамай, барибир БМТ томонидан ўтказилган йирик операция, деб эътироф этилмоқда.

Покистон маъмурияти яна 2 йилгача, яъни 2005 йилнинг охиригача афғон қочоқларини мамлакатдан мажбуран чиқаришга ошиқмаслигини алоҳида қайд этди.

Энди Эрондан қайтган қочоқлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, шуни айтиш мумкинки, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида, сўнгги икки йил давомида деярли 560 минг афғон Эрондаги қочоқлар лагерларини тарк этган. Шундай қилиб Афғонистонга қўшни бу икки давлатдан 2,5 миллиондан ортиқ қочоқ яна ўз ватанидан бошпана топди.

Олий Комиссарлик маълумотларида қайд этилишича, Эронда яна 1,8 миллион, Покистон лагерларида эса 1,1 миллион афғон қочоқлари истиқомат қилмоқда. Бу икки давлатнинг маҳаллий аҳолисига аралашиб яшаётганлари қанча, буниси номаълум.



Вашингтон кўчаларида.

АФРИКАДА АҲВОЛ ЧАТОҚ

Ривожланаётган мамлакатларда оналар ўлими муаммоси шу даражага бориб етдики, тезлик билан чора-тадбир кўрилмаса аҳвол ўта оғирлашиб кетади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ҳисоботларида эълон қилинган статистиканинг шафқатсиз рақамлари ҳар қандай одамни чуқур ўйга толдиради.

2000 йилги маълумотларда дунё бўйича оналар ўлими 529000 марта қайд этилган бўлса, шундан 95 фоизи Осиё ва Африка мамлакатларига, 4 фоизи Лотин Америкасига, 1 фоизи ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келаркан. Африканинг айрим ҳудудларида ҳомиладор аёллар ўлими 16 тага 1 тани ташкил этади. Бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 2800 тага 1 тадир.

«Кўпгина аёллар уйда, бу ҳам етмаганидек бир ўзи ёки биттаяримта ўзига яқин қариндоши қаровида кўзи ёрийди. Бу эса туғишнинг асоратлари ривожланиб кетишига туртки беради, — дейди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Ли Йонг Вук. — Мутахассис ҳузурида, яъни туғуруқхоналарда туғиш эса ҳар қандай ёмон асоратнинг ёки ҳодисанинг олдини олишга жуда катта имконият яратади».

«Эълон қилинган маълумотлар шундай хулоса чиқаришга туртки берадики, демак, Африкада, айниқса, Саҳрои Кабирда ва унга яқин ҳудудларда акушерлик ёрдамини кенгайтириш давр талаби, — дея қўшимча қилади ЮНИСЕФнинг ижрочи директори Кэрол Беллами. — Шунда нафақат онани ўлимдан сақлаб қолинади, балки унинг зурриётига ҳам ҳаёт бағишланади».

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 2000 йили кўпгина давлатлар билан Халқаро битим имзоланган. Унга кўра, 2015 йилгача айрим давлатлар оналар ўлими даражасини 75 фоизгача тушириш мажбуриятини зиммаларига олган. Бироқ, экспертларнинг куюниб фикр билдиришларича, айрим давлатларда халқаро битимга кўра чоралар белгилаш у ёқда турсин, оналар ўлими ҳатто рўйхатдан ўтказилмаётир. Шунинг учун ҳам эндиликда оналар соғлиғини муҳофаза қилиш дастурини айрим «қолоқ» мамлакатларда амалиётга кенг жорий этиш борасида ЖССТ, ЮНИСЕФ ва ЮНФПА ёрдам қўлини чўзишга ваъда бердилар.

ВАЗИРЛАР ИСТЕЪФОГА ЧИҚАРИЛДИ

Шри-Ланкада сиёсий таназзул бошланди. Президент Чандрика Кумаратунга мамлакат ҳаётида муҳим роль ўйновчи 3 вазирни — мудофаа, коммуникация ва ички ишлар вазирларини истеъфога чиқарди. Парламент фаолиятини эса икки ҳафтага тўхтатиб қўйди. Бу билан Шри-Ланка маъмурияти мамлакатда беқарорлашиб бораётган вазиятни тўхтатиб қолишга уринмоқда. Мамлакат пойтахти Коломбога ҳарбий қўшин киритилди. Улар асосий объектларни — давлат телевидениеси ва радиосини, ахборот агентликларини ҳамда электр станцияларини қўриқламоқдалар.

Маълумки, Шри-Ланкада 20 йилдан бери фуқаролар уруши давом этмоқда. Президентнинг мамлакат бош вазири, муҳолифатдаги партия етакчиси билан муросага кела олмаётгани ҳам вазиятни кескинлаштирмоқда.

«Тамил йўлбарслари ҳаракати» билан муносабат энди-энди илимоқда эди. Афсус, яна вазият кескин тус олди. Ҳозир бош вазир Ранил Викремесингх мамлакатдан ташқарида. У бошлиқ ҳукумат эса Президент томонидан янгиланди. Би-би-си берган хабарга кўра, ҳозирча бош вазир бунга муносабат билдиргани йўқ.

«Обуна — 2004»

МАРКАЗИЙ ГАЗЕТАЛАР НЕГА КЕЧИКИБ КЕЛМОҚДА?

Қорақалпоғистонлик обуначиларнинг ҳар иккисидан бири шундай савол билан мурожаат қилишаяпти

Газета бугун чиқдими, бугун ўқишимиз керак. У бир кун кечикиб тарқатиладиган бўлса, бизга нима наф? Унга қадар барча янгиликларни телевидение ва радио орқали ҳам билиб оламиз, — деб куйинди Нукус шаҳридаги шоҳ кўчаларнинг бирида келаётган нуроний оқсоқол.

— Бола-чақамиз ризқ-насибасидан кечиб, — сўзида давом этди у. — 25-30 минг сўмлик (ўртача ҳар бир нашр нархи) обуна бўлсагу вақтида ололмасак... Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари, мамлакатимиз янгиликлари ва хориж хабарларини телерадио воситаларида эшитиш бошқа, газетада ўқиш ва уларни эртанги кун учун сақлаб қўйиш бошқа... Масалан, телевизорда хабарлар кинолентасидек ўтади-кетади, кейин айримларини эслай ҳам олмайсиз. Газета эса доим ёнингизда туради. У кундалик қўлланма-йўлланмадай гап...

Ушбу гап-сўзлар мазмуни билан «Қорақалпоқпочтаси» очиқ турдаги акциядорлик жамияти раҳбариятига мурожаат қилдик. У ердагилар бизга «Ўзбекистонпочтаси» давлат акциядорлик компанияси Бош директори Р.Зикировнинг республикадаги барча акциядорлик жамиятлари директорларига юборилган шу йил 9 июлдаги 14-15/2246 рақамли мактубини кўрсатди.

Мактубда «Самолётлар ҳаракат жадвали ўзгариши муносабати билан 2003 йил 10 июлидан бошлаб амалга киритиладиган «Ўзбекистон Республикаси вилоятларининг почта алоқаси боғламаларига хат-хабарларни, посилкаларни ва суғуртали почта жўнатмаларини «Халқаро почтамт» АЖ дан транспортларда йўналтириш режаси»ни маълумот ва амалда қўллаш учун йўллаяпмиз» деб хабар қилинган.

Шунингдек, унда кундалик газета-журналларни ҳаво транспортларида йўналтириш режаси бўйича самолётлар Тошкентдан Нукусга соат 10.00да учиб соат 12.45да қўнади, деб белгиланган. Амалда эса шундан сўнг самолёт, баъзан соат 10.00да, баъзан соат 16.35 ва ҳатто 17.45да кела бошлади. Октябрь ойидан бошлаб эса ҳатто кечки соат 17.45да қўнадиган бўлди. Боз устига аэропорт билан «Нукус почтамт филиалининг алмашув бўлими оралиғидаги жараёнларга яна бир соатча вақт қўшсангиз, теварак-атрофга қоронғилик тушиб улгурган бўлади.

Гапнинг индаллоси, тунда келган газета-журналларни ўша куни тарқатишнинг иложи бўлмаяпти. Бундай ҳолга, назаримизда, «Ўзбекистонпочтаси» давлат акциядорлик компанияси ва «Қорақалпоқпочтаси» очиқ турдаги акциядорлик жамиятини айбдор деб бўлмайди. Кўриниб турибдики, масала «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компанияси фаолиятига бориб тақаляпти. Негаки, самолёт рейсларининг ўзгариши натижасида кундалик газета-журналлар белгиланган манзилларига вақтида етиб бормаётир.

Тўғри, ҳаво йўлларининг ҳам қонун-қоидалари мавжуд. Лекин ҳар ҳолда нашрларни аҳолига ўз вақтида етказиб бериш масаласи аҳамиятини ҳисобга олиб, самолёт қатновлари вақтини кўриб чиқиш керакка ўхшайди. Мамлакатимиз Президенти ўзининг ҳар бир чиқишида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ҳақида қайта-қайта айтаяпти. Қолаверса, уларни жойларга, обуначиларга вақтида етказиб бериш мақсадида ҳукуматимизнинг транспорт воситаларини тартибга солиш юзасидан қарори ҳам чиққан. Фақат ижро масаласи кишини ўйлантиради.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Инсон хотираси — азиз

ДЎСТЛИК ДУНЁСИ

Улуғ Ғуломов — таниқли физик-олим, изланиш ва таълим соҳасида ўзига хос услуб, салоҳият ва санъатга эга бўлган инсон.

Мен уни 1956 йилдан буён таниб, тез орада ҳамсуҳбат, ҳамкор, ҳамфикр ва у билан умрининг охиригача қадрдон дўст бўлганмиз. Олимнинг илмий ва ташкилотчилик фаолияти асосан Ўзбекистон Фанлар академиясининг ядро физикаси институти билан боғлиқ. Ядро физикаси институти ўша пайтларда Марказий Осиё ва бошқа республикалар учун кадрлар тайёрлаб беришда муҳим роль ўйнаган. Бунда Убай Орипов, Содиқ Азимовлар қаторида Улуғ Ғуломовнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

У ядро-физика соҳасида қатор янгиликлар кашф этган, тармоқ ривожига улкан ҳисса қўшган фидойи олим эди.

Ядронинг парчаланиши натижасида ажраладиган энергиядан тўғридан-тўғри электр энергияси олиш ва ундан сайёраларо саёҳатда фойдаланиш масалалари билан шуғулланди.

Олим ўз тенгдошларидан ва кўпчилик замондошларидан ўзининг фикрлаш қобилияти, билим даражасининг кенглиги билан фарқ қилар, фақат физика фани бўйича эмас, балки адабиёт, тарих, сиёсат, жўғрофия ва бошқа соҳаларда чуқур билими билан ҳам ажралиб турар эди.

У одамшинаванда, софдил, меҳнаткаш инсон эди, шундай хислатли одамларни яхши кўрарди ва иложи борича уларни қўллаб-қувватлади. Мен мисол сифатида бир воқеани айтиб берай. Тахминан 1968-69 йиллар эди, мен болаларим билан Тошкентдан Самарқандга бораётган эдим. Йўлда, Галлаорол ва Булунғур туманлари чегарасида машинам бузилиб қолди. Ҳаво жуда иссиқ эди, мен машина тузатишни билмасдим. Шу пайт милиция капитани кажавали мотоциклда келиб тўхтади. Ҳол-аҳвол сўрагач, машинани очиб, бузилган жойини топди: «Домла, машинангизни тузатиш учун мен Булунғурга бориб келаман, бўлмаса болалар билан қийналиб қоласиз», деб жўнаб кетди. Воқеа содир бўлган жойдан Булунғургача 20 км. 1,5 соатда қайтиб келиб, машинани тузатиб, бир сўм олмасдан «Сизларга оқ йўл» деб, ўз иши билан кетди. Бу ҳикояни эшитган Улуғ: «Дўстим, ажойиб бир одам билан учрашибсан, уни албатта топиб, хурсанд қилишимиз керак. Бундай одамлар кўп бўлса, ҳаётимиз анча енгил ва ёқимли бўлади» деберсангиз», дея илтимос қилдик. Кейинчалик биз яна бир бор йўлда ўша милиция ходими билан учрашиб қолдик. У кишининг елкасида энди майор погони бор эди. Мана шундай, дўстим юрган йўлида яхшилик уруғини сепиб юрар эди.



Суратда: Улуғ Ғуломов (чапда) ва Шавкат Воҳидов (1960 йил).

Дўстни қадрлаш, дўстга вафодор бўлиш, уни асрай билишни Улуғ Ғуломовдан ўрганса бўлар эди.

Улуғ ўртоғимнинг дўстга самимиятини Ғафур Ғуломнинг ушбу китоби муқовасига ёзиб тақдим этган сатрларидан англашингиз ва баҳо беришингиз мумкин: «Дўстим Шавкат! Бу китоб менинг дадам ёзган шеърларнинг бир қисмини ўз ичига олган. Аммо шу шеърлар ичида дўстлик ҳақида гаплар бўлса керак. Сенга дўстлигинг учун раҳмат, чунки дунёда болаларимдан ташқари ёлғиз бойлигим шудир. Улуғ Ғуломов 2/IV.82й».

У оиласига жуда меҳрибон эди. Умр йўлдоши Дилдорхонни ниҳоятда ҳурмат қиларди. Ҳатто маҳалла болалари ҳам Улуғ домлани жуда севардилар ва унга эркалик қилишарди.

Улуғ Ғуломовнинг қилган хизматлари зое кетмади. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони, Беруний номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Энг асосийси — у халқ ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлди.

Шавкат ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikrom|on ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 0060

7621 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.50
1 2 3 4 5

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Обод маҳалла — мамлакат кўрки

МАҲАЛЛА — ЮРТ УСТУНИ

Каттақўрғон шаҳридаги Сўфи Оллоёр номли маҳалла оқсоқоли Собиржон Аҳмедов ҳикоя қилади:

— 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши, мамлакатимиз аҳолисини хайрли ишларга ундади. Жумладан, бизнинг маҳалла аҳли ҳам, қўлни-қўлга бериб меҳнат қиляптилар. Маҳалламиз Сўфи Оллоёр, Мавриқўрғон, Бегижон, Кўрпа, Сарбозор гузарларидан иборат бўлиб, ушбу гузарларнинг ўртасида марказ ташкил қилинган.

Маҳалламиз ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш каби эзгу ишлар бир неча йил аввал, буюк аллома, шоир Сўфи Оллоёр таваллудининг 335 йиллигини нишонлаш арафасидаёқ бошланган эди. Ўтган йилларда маҳалла аҳлининг уюшқоқлиги, ташаббуси билан ҳашар уюштирилиб, маҳалла ҳовлисини жорий таъмирдан чиқардик. Атрофига гуллар, дарахтлар экдик. А.Мажидий, Х.Улуғбеков кўчаларига қайтадан асфальт ётқизилди. Маҳалла маркази қошида нуронийлар ҳамда маънавият хоналарини қуриб ишга туширдик. Маҳалламизда улуғ аллома Сўфи Оллоёрнинг қадамжолари жойлашгани боис, бу ерга тез-тез меҳмонлар келиб туради. Шу сабаб Сўфи Оллоёрдек улуғ зотнинг уй-музейини ҳам таъмирлаб, янги экспонатлар билан бойитиб боряпмиз.

Германиялик таниқли олима, Халқаро эртакшунослар жамияти аъзоси Габриэл хоним Келлернинг маҳалламизга ташрифи катта воқеага айланди. Чет эллик меҳмон хонадонларимизга ташриф буюрди. Тўйларимизда иштирок этди. Миллий урф-одатларимиз меҳмонда катта таассурот уйғотди.

Маҳалламизда бирор кун ҳам озодалик, ободончилик ишлари тўхтаган эмас. Йўллар, хиёбонлар, ариқларни тозалаш, гул ва дарахтларга шакл бериш, кўчаларни супуриб-сидириш маҳалла аҳлининг кундалик юмушига айланган. Бу йил маҳалла ҳудудига бир ярим минг туп дарахт, икки минг тупга яқин гул кўчатлари экилди.

Шуни мамнуният билан айтишим керакки, маҳалламизда болалар спортини ривожлантиришга ҳам катта эътибор бериляпти. Ҳудудимизда жойлашган тиббиёт коллежи, бешта мактаб спорт майдончаларида ёшларимиз футбол, миллий кураш, қўл тўпи, теннис, бокс каби спорт турлари билан шуғулланиб, тўгаракларда қатнашиб келмоқдалар. «Соғлом танда соғ ақл» шиори остида доимий равишда спорт мусобақалари ўтказиб турамиз. «Маҳалламиз полвонлари», «Соғлом оила» каби кўриктанловларнинг ўтказилиши анъанага айланган. Маҳалламиз йигитлари «Футболимиз келажаги» республика кубогида муваффақиятли қатнашишди. Шаҳар миқёсида ўтказилган маҳаллалараро мусобақада эса биринчи ўринни эгаллашди.

Маҳалламиз оқсоқоллар кенгаши қошида маънавият ва маърифат гуруҳи аъзолари фаоллик билан иш олиб боришмоқда. Улар маҳаллада ўтаётган тўй-маъракаларни ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказишда кўпчиликка бош-қош, маслакдош. Тойир Қобулов, Тўхта Ҳакимов, Жўрақул Ҳамроев, уста Ҳамдам бобо, Баҳром Носиров каби отахонларимиз нафақат маҳалламиз, балки шаҳримиз фахри ҳисобланади.

Бундан ташқари теварак-атрофда бўлаётган ўзгаришларга бефарқлик, ёшларнинг турли экстремистик оқимларга кириб кетиши, ҳар хил террористик хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар идоралари, суд, прокуратура органлари ходимлари иштирокида ўтказиладиган мулоқотлар маҳалламизнинг, қолаверса юртимизнинг, элимизнинг осойишталиги, тинчлигини сақлашда муҳим ўрин тутади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Эркатош ШУКУРОВА ёзиб олди.

Спорт

АБДУЛЛА ТАНГРИЕВ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Жанубий Корея пойтахти Сеулда дзюдо бўйича навбатдаги Осиё чемпионати якунланди. Қитъамизнинг ўттизга яқин давлати спортчилари қатнашган бу мусобақада дзюдочиларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Вакилларимиз битта олтин, битта кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритдилар.

Умидли полвонимиз Абдулла Тангриев (+100кг.) ўз вазн тоифасида барча рақиблари курагини ерга текизиб, яна Осиё чемпиони деган номга сазовор бўлди. Шунингдек, мусобақа якунида Абдулла чемпионатнинг «Энг яхши спортчиси» номинациясини бўйича ҳам ғолиб деб топилди.



Бундан ташқари, қитъа чемпионатининг эркаклар беллашувида Санжар Зокиров (60 кг.) кумуш, Шокир Мўминов (73 кг.), Вячеслав Перетейко (90 кг.)лар бронза медалларига сазовор бўлдилар. Аёллар ўртасидаги баҳсларда ҳамюртимиз Зинура Жўраева (52 кг.) ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ХИТОЙГА БОРАДИМИ?

Хабарингиз бор, келаси йили Хитойда футбол бўйича навбатдаги Осиё кубоги баҳслари бўлиб ўтади. Айни чоғда қитъамиздаги миллий терма жамоалар ана шу нуфузли мусобақага йўлланмани қўлга киритиш учун иккинчи саралаш босқичида қатнашмоқда. Мусобақа низомига кўра, Хитой (мезбон) ҳамда Япония (2000 йилги Осиё чемпиони) миллий терма жамоалари чемпионатда тўғридан тўғри иштирок этишади. Қолган 14 қатнашчи эса еттита саралаш гуруҳи баҳслари якунлангач, аниқланади.



Ҳозиргача «С», «Е», «F» гуруҳларида саралаш учрашувлари тугади. Уларда кучли деб топилган Саудия Арабистони, Индонезия, Уммон, Жанубий Корея, Ироқ, Бахрайн терма жамоалари Осиё чемпионатига йўлланмани қўлга киритишди. Қатар, Сингапур, Фаластин терма жамоалари билан биргаликда «В» гуруҳидан жой олган Қувайт футболчилари ҳам барча учрашувларни муваффақиятли (16 очко) якунлаб, муддатидан олдин ҳал қилувчи босқичга чиқди.

Қуръага кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси иккинчи саралаш босқичининг «А» гуруҳидан ўрин олган. Мусобақаларда футболчиларимиз Таиланд, Тожикистон ҳамда Сяньган (собиқ Гонгконг) терма жамоалари билан куч синашади. Осиё футбол конфедерацияси қарорига мувофиқ, бу гуруҳдаги учрашувлар икки даврадан иборат ҳолатда икки мамлакатда ўтказилади. Гуруҳнинг дастлабки давра баҳсларига мамлакатимиз пойтахти мезбонлик қилмоқда.

Бугун соат 14.00 да «ЖАР» спорт мажмуида бошланадиган Тожикистон — Таиланд терма жамоалари учрашуви билан «А» гуруҳи баҳсларига старт берилади. Ўзбекистон миллий терма жамоаси эса дастлабки ўйинни Сяньган футболчиларига қарши ўтказишади. Учрашув соат 17.00 да «Пахтакор» марказий стадионида бошланади.

Гуруҳдаги иккинчи тур учрашувлари 8 ноябрда бўлиб ўтади. Унда Тожикистон — Сяньган, Ўзбекистон — Таиланд терма жамоалари майдонга чиқади.

Эркин ХОЛБОБО
Суратда: Ўзбекистон миллий терма жамоаси.

ЁШЛАР МАЛАЙЗИЯГА, ЎСМИРЛАР ЯПОНИЯГА БОРАДИ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати саралаш учрашувлари ниҳоясига етди. Унда вакилларимиздан ташқари, Шри-Ланка, Бутан давлатлари ёш футболчилари ҳам қатнашдилар.

Барча учрашувларни юксак савияда ўтказган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Шри-Ланка футболчиларини 4:1, бутанликларни 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, келаси йили Японияда ўтадиган Осиё чемпионатига йўлланма олди.

Мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси ҳам ўз гуруҳи ғолиби бўлди. Ёшларимиз дастлаб шри-ланкаликларни (3:0), сўнгра бутанлик тенгдошларини (5:0) доғда қолдиришди. Энди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2004 йили Малайзияда бўладиган қитъа биринчилигининг финал босқичида иштирок этади.

Интер-спорт

ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНМОҚДА



Европа чемпионлар лигасининг 1/8 финалига чиқиш учун кураш қизғин паллага кирди. Тўртинчи тур учрашувларидан кейин Португалиянинг «Порту» жамоаси Францияниг «Марсел» футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга чиқиш имкониятини яхшилаб олди. «F» гуруҳида ўйнаётган Мадриднинг «Реал» футболчилари эса Сербиянинг «Партизан» жамоаси билан (0:0) бўлган учрашувдан кейин 1/8 финалга чиқди. Шунингдек, «Челси» (Лондон) жамоаси ҳам ана шундай имкониятга эга бўлди. Бу жамоа Римнинг «Лацио» футболчиларини 4:0 ҳисобида доғда қолдирди.

Дастлабки тўпни илгари «Лацио»да ўйнаган аргентиналик Эрнан Креспо дарвозага йўллаган бўлса, учрашув охирларида Гудьонсен, Дафф ва Лэмпардлар «Челси» ғалабасини мустаҳкамлашди.

ЧЕМПИОНЛИК МАҚОМИ ПАСАЙТИРИЛДИ

Халқаро шахмат федерацияси ФИДЕ йўналиши бўйича жаҳон чемпиони украиналик Руслан Пономаревнинг чемпионлик мақомини пасайтиришга қарор қилди.

Гап шундаки, Руслан ҳозирги вақтда шахмат рейтинги бўйича биринчи бўлиб турган Гарри Каспаров билан жаҳон чемпиони номини олиш учун ўйлаб топилган қоидага кўра ўзига хос синов, яъни нокаут-тизим баҳсида ғалаба қозониши лозим эди. Руслан эса жаҳон чемпиони бўла туриб, бундай ўйинда иштирок этишни ўзига эп билмади. ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов эса чемпионлик учун кураш олдидан ўтказиладиган бундай тадбирни маъқуллаб турибди.



Хикматли сўзлар маъноси

КАТТАНИ КАТТА ДЕСАНГ, ЎЗИДАН КЕТАР, КИЧИКНИ КАТТА ДЕСАНГ КАТТАГА ЕТАР

Бу билан: «Бирор одамни ҳаддан ташқари мақтаб юборма, акс ҳолда у талтайиб кетади, босар-тусарини билмай қолади, одамларни оёғининг учи билан кўрсатадиган бўлади. Ҳар кимга ўзининг феъл-атворига қараб муомала қил», дейилмоқчи.

КЕКСАЛИК — КЎПРИК

Кўприкдан ҳар ким ва ҳар нарса ўтади; у бардош беради. Шунингдек, кексалар ҳам бутун умрлари давомида бошларидан кўп яхшилик-ёмонликларни ўтказганлар, бунга кўникма ҳосил қилиб, чидамли-бардошли бўлиб қолганлар. Шу боисдан кексаликни кўприкка ташбиҳ қиладилар. Агар қарияни бирор одам ноҳақ ранжитса, ўртага тушган одам шу мақолни ишлатиб, қарияга: «Сиз кечиринг, ёшлик қилибди», деб илтижо қилади.

КЕКСАНИ КУЧИДАН СЎРАМА, ИШИДАН СЎРА

«Кексанинг ёшини суриштирма, ишини суриштир». Бу мақол билан: «Кекса одамнинг кучсизлигидан, ожизлигидан кулма, аксинча унга ҳавас қил, унингдек бўлишга интил. Негаки, у ўзининг узоқ умри давомида кўп ишларни қилган, меҳнат билан, ҳаёт ҳаракатлари билан қартайган. Сен ҳали бу одамдек бўлиш учун кўп йиллар яшашинг, кўп иш қилишинг, кўп яхши-ёмонликларни бошингдан кечиришинг керак бўлади. Кексалик кучсизлик, ожизлик нималигини ана ўшанда биласан», дейилмоқчи.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг муҳаррири Соат Шариповга отаси Шарифбобо ЭШМАТОВнинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этамиз.

Бир гуруҳ дўстлари

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Шоҳ Масрур» ёпиқ акциядорлик жамияти

ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида Тошкент шаҳар 5-тор, Сайрам кўчаси, 15-уйда қабул қилинади.